

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O'zbekiston
ХДП
Xalq demokratik partiyasi

O'zbekiston Ovozi

№20

2024-yil
15-may, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ФОРУМИНИНГ

САМАРАЛИ ЯКУНЛАРИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, "БМТ-аёллар" тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахус бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. БМТ делегацияси шу кунларда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Осие хотин-қизлар форуми доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гендер тенглик масалалари бўйича етакчи институти раҳбари Президентимизга Бош котиб Антониу Гутерришнинг самимий салом ва энг эзгу тилакларини етказди. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг мавқеини тубдан яхшилаш ва жамиятдаги мақомини оширишга қаратилган самарали ислохотларга

юксак баҳо берилди. Учрашувда мамлакатимизнинг "БМТ-аёллар" тузилмаси билан конструктив ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини илгари суриш соҳасидаги барча асосий халқаро конвенцияларга қўшилган, БМТнинг тегишли комиссияси ишида фаол иштирок этмоқда. Осие хотин-қизлари форумининг самарали яқунлари юқори баҳоланди. Ушбу форумни Осие минтақасида аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари бўйича доимий мулоқот платформасига айлантириш муҳимлиги таъкидланди. Ўзаро ҳамкорлик бўйича, шу жумладан, минтақавий даражадаги аниқ лойиҳа ва дастурларни ўз ичига олган ўрта



муддатли истиқболга мўлжалланган дастурни қабул қилиш зарурлиги қайд этилди. "БМТ-аёллар" тузилмасининг мамлакатимизда ваколатхонасини очиш масаласи қўллаб-қувватланди.

president.uz

ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСДАГИ ФРАКЦИЯМИЗ
ҲАР ДОИМ ХАЛҚ БИЛАН

Бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган қорақалпоғистонлик депутатларнинг жорий йилнинг ўтган 4 ойида амалга оширган ишлари ҳақида маълумотлардан.

Ўрганилган масалаларнинг катта қисми сессияларга олиб чиқилиши ечим кафолатланишидан,

депутатлик бирлашмалари қатъий позиция кўрсатаётганидан далолат беради.

Электорат ва аҳоли манфаатлари ҳимояланган, уларнинг ҳуқуқлари таъминланиб, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилишига ҳисса қўшилган.

4



Танлов

"ОЛТИН ҚАЛАМ"

XVIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ
ЎЗ ЭГАЛАРИГА
ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" XVIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

8

Сўз — етакчиларимизга

АНДИЖОНДА ШУНДАЙ
ФИДОЙИ БОР

Андижоннинг Шаҳрихонида туғилиб, бугун бўстонликларнинг чин маънода фахри бўлган Матлуба Тўйчиеванинг сувратию сийрати бир-бирига шунчалар уйғунки, соф инсоний фазилатлари, жонқуярлиги, меҳрибонлиги ва аёллик латофати бир-бирини тўлдириб турганини туйқус ҳис қилсан, киши.

6

ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎМИТАСИНING

ЕТТИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

БЎЛИБ ЎТДИ

13 май куни Тошкент шаҳрида Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматларо қўмитасининг еттинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раиси ўринбосари Лю Гочжун ҳамраислигида ўтган мажлисда кўп қиррали шерклик муносабатлари жадал ривожланаётгани, бунда давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги дўстона, яқин, самимий ва биродарлик ришталари муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Йиғилишда товар айирбошлашни янада оширишга қаратилган қўшма "Ҳаракатлар режаси"ни қабул қилиш, Хитойга маҳсулотларини узоқ муддатли ва барқарор етказиб

бериш учун қўшимча савдо имтиёзларини жорий этиш, саноат кооперациясини янада кенгайтириш, иқтисодийнинг барча соҳаларида қўшма рақобатбардош лойиҳаларни амалга ошириш таклиф этилди.

Тадбир сўнгида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди ҳамда Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматларо қўмитасининг еттинчи йиғилиши баённомаси имзоланди.

ЎЗА.

ЯНГИЛАНАЁТГАН
ДУНЁ
ВА АЁЛЛАР

РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ
– САМАРҚАНД ШАҲРИ
НАВБАТДАГИ ЯНА БИР
НУФУЗЛИ АНЖУМАНГА
МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ.
ҚАДИМИЙЛИК ВА
ЗАМОНАВИЙЛИК УЙГУН
БУ МУАЗЗАМ МАНЗИЛДА
13-14 МАЙ КУНЛАРИ ДУНЁ
ТАРИХИДА ИЛК БОР ОСИЁ
ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ФОРУМИ
БЎЛИБ ЎТДИ.

3

✓ Партия фаолияти

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ

ЕТАКЧИЛАР БИЛАН
МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов ҳудудлардаги партия ташкилотлари раислари, фаоллари билан учрашувларини давом эттирмоқда.

Самарқанд вилоят партия кенгашида ўтган навбатдаги мулоқотда амалий ишлар, олдинда турган устувор вазифалар, муҳим масалалар муҳокама қилинди. Самимий ва очик суҳбатда фаоллар юртимиздаги демократик жараёнларда муносиб қатнашиш, дастурий мақсадларни самарали амалга ошириш, қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали ечим топадиган масалалар, жойларда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партиямизнинг ижтимоий-сиёсий позициясини янада мустаҳкамлаш каби вазифалар юзасидан ўз таклиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашилди. Янгича ёндашув билан ишлашга доир ташаббуслар тингланди.

Ўзбекистон ХДП ҳудудий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти, ташкилий, мафкуравий ҳамда тарғибот борасидаги ютуқ ва камчиликларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, қонунчиликка киритилаётган ўзгартиришлар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашилди. Ҳар бир ташаббус ва ислохотлар жамият ҳамда мамлакат тараққиёти учун амалга оширилаётгани тўғрисида фикрлар билдирилди.

SIYOSIY PULS: MUNOSABAT

Ўсиш нуқтаси

Чарм ва ипак саноатини Ўзбекистонда драйвер соҳалардан бирига айлантириш вазифаси бежиз давлат раҳбари раислигида муҳокама этилгани йўқ. Чунки чармчилик ҳам, ипакчилик ҳам бизга бегона эмас. Азаддан ота-боболаримиз ушбу ҳунар тилини билган, сир-асрорларини яхши ўзлаштиришга ва бунинг ортидан даромад топган.

Хўш, қон-қонимизга сингиб кетган, қадриятларимизга уйғун равишда халқимиз билан бирга яшаб келаётган, минглаб оилаларнинг даромад манбаига айланиб улгурган бу тармоқни янада ривожлантиришга нималар тўсиқ бўляпти? Одамларимизнинг айнан чарм ва ипак саноатида бандлигини таъминлашда қандай муаммолар бор?

Давлат раҳбари раислигида 10 май куни бўлиб ўтган йиғилишда масаланинг айни шу жиҳатларига эътибор қаратилди. Бу ҳақда Президент матбуот хизмати хабар берди.

Ҳақиқатан ҳам саноати ривожланган давлат кам бўлмайди. Ҳозир кўпдан-кўп йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Аммо бу ўз номи билан "йирик". Иқтисодий барқарорликнинг яна бир муҳим талаби борки, бу кичик ва ўрта корхоналар яратиш динамикаси билан ўлланади. Чунки бундай корхоналар ҳам керак. Катта-катта маблағ талаб этмайдиган, тез фурсатда иш ўрни ва экспортбоп маҳсулот яратадиган, юқори даромад келтирадиган ишлаб чиқариш тармоқлари керак бизга. Қўлида маблағи катта бўлмаган, аммо яратувчанлик, бунёдкорлик ишти-ёқи билан ёнаётган одамларимиз бор. Уларни қўллаб-қувватласак, кичик ва ўрта корхоналар синфи шаклланади. Шу орқали худудларда маҳаллий саноат тармоқлари ривожланади, янги иш ўринлари яратилади. Буни тизимнинг ичиди юрган, бунга бевосита масъул бўлган мутасаддилар яхши билишади.

Хўш шундай экан, давлатимиз раҳбари нега унда 382 нафар масъулни ишдан олди? Қолган барча раҳбарлар эса оғоҳлантирилди...

ХДП депутатлари нима дейди?

Урол ЎРОЗБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

Саноат корхоналари иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини яратишда муҳим ўрин тутати. Ҳозир юртимизда фаол инвестиция сиёсати юри-тилаётгани, ишлаб чиқариш, саноатда соғлом рақобат муҳити, ҳақиқий бозор иқтисодиёти шаклланаётганидан қувонамиз, албатта. Тўғри, бу борада кенг қўламли ишлар олиб борила-япти, катта ислохотларга йўл очилмоқда.

Аммо бугун Ўзбекистон саноатини замон талаблари асосида ривожлантириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турини кенгайтириш масалалари ниҳоятда долзарбдир.

Давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган чарм ва ипак саноатини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш шу жиҳатлари билан аҳамиятли бўлди, дейиш мумкин. Унда тизимнинг самарали ишлашини йўлга қўйиш бўйича муҳим вазифалар илгари сурилди. Маҳаллийлаштиришни кенгайтиришга қаратилган энг устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Сайловчилар билан учра-шувларга борганимизда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳам атрофлича ўрганиб чиқамиз. Саноат зоналарига бўш турган майдонлар жуда кўп. Улардан фойдалансак, бу орқали қанчадан-қанча иш ўринлари яратилади.

Фикримча, туман ва шаҳарларнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, асосий ўсиш нуқталарига тадбиркорларни, бунёдкорлик ғоялари билан юрт раванқига ҳисса қўшиш иста-гидаги ёшларни жалб қилиб, қўллаб-қувватлаш зарур.

Тармоқ ва худудларнинг ўзаро ҳамкорлиги ороқали ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкин. Корхоналар дуч келаётган муаммоларнинг самарадор ечимларини топиш, қўшимча захираларни сафарбар этиш орқали саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш давр талаби бўлиб қолимоқда.

Яна бир муҳим масала эътиборимиз марказидан четда қол-маслиги керак, назаримда. Тўлиқ қувватда ишлаётган корхоналарни жонлантириш, уларга бориб, хом ашёси, айланма маблағи, маҳсулот бозори билан боғлиқ масалаларга қўмаклашиш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Бир нарсани унутмайлик, имконият излаш, ички захираларни ишга солиб, таклиф ва ташаббус кўрсатишимиз керак. Бу масалада ҳам биз, депутатлар ҳоким-ликлар, маҳаллий Кенгашлар ва, албатта, сайловчилар билан мунтазам алоқа ўрнатишимиз лозим.

Масалан, айтайлик, бизда маҳаллий саноатнинг энг катта тармоқларидан бири тўқима-чилик ҳисобланади. Тадбиркорларимиз орасида бу йўналишда яхши ўзлаштирганлар кўп, тўқимачиликни ота мерос хунар сифатида давом эттириб, ардоқлаб келаётганлар бор. Агарда уларнинг иқтидоридан, салоҳиятидан фойдалансак, имтиёзларини тушунтирсак, қўллаб-қувватласак, четдан маҳсулот олиб келишга ҳожат қолмайди. Бу орқали янги иш ўринлари яратилади, оилаларнинг даромад манбаи яратилади.

Барчамиз бирлашиб, ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда ишлашимизда гап кўп, аслида.

Расмий манбалар асосида
Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.



Ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 триллион сўмга етган, аммо...

Йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги йилларда чарм ва ипак саноатида тадбиркорлик учун кенг шароит яратилди. Масалан, чармга ихтисослашган 16 та кичик саноат зонаси ташкил қилинди. Янги лойиҳалар учун 40 миллион доллар арзон ресурс берилди.

Ўтган йили чарм саноатида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 триллион сўмга етган. Лекин шунинг ярми Андижон ва Фарғона вилоятларига тўғри келган. Тери хом ашёси кўп бўлган Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Хоразмда бу кўрсаткич паст. Тармоқ экспортида бирламчи маҳсулот ўрни юқори, тайёр маҳсулот улуши атиги 30 фоиз атрофида. Терини қайта ишлаш даражаси ҳам етарли эмас. Бунда чорвачилик кластерларидан тўла фойдаланилмапти.

"Чармсаноат" уюшмаси ва Халқ банки

Йиғилишда муаммолар чуқур таҳлил этилди. "Чармсаноат" уюшмаси фаолияти ўзгартирилиб, бу тармоққа Халқ банки бириктирилади. Вилоят ҳокимлари билан биргаликда, чармга ихтисослашган кичик саноат зоналарида 100 миллион долларлик лойиҳалар шакллантирилади. Шароф Рашидов ва Оҳангарон туманларида чарм кластерлари ташкил қилинади. Уларда сув тозалаш иншооти ва бино қуриш учун 40 миллион доллар арзон ресурс йўналтирилади. Лойиҳаларга табиий ва сунъий чармдан маҳсулот чиқарувчи хорижий брендлар жалб этилади. Бунинг учун сорсинг компанияларига сарфланган корхона харажати 30 минг долларгача қисмини қоплаб бериш йўлга қўйилади.

Ипакчилик тармоғига объектив назар

Ипакчилик саноати асрлар давомида цивилизациялар ва савдо йўллари шакллантиришда муҳим тармоқлардан бири саналган. Ҳеч эътибор берганмисиз, қадим анъаналаримиз, иқтисодиётимиз бевосита ипакчилик билан уйғун ва муштаракликда ривожланган. Қишлоқ жойларда касаначилик асосида ипак қуртини парваришлар орқали даромад оладиган оилалар оз эмас. Умуман, саноатнинг бу тармоғи ҳам бизга жуда яқин. Йиғилишда ипакчилик тармоғи ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Пилла олишда йўқотиш нисбатан кўп, хўш, нега?

Охириги йилларда бу йўналишда ҳам кластер тизими жорий этилди. Жумладан, 74 та пилла-

ипакчилик кластери ва 11 та уруғчилик корхонаси ташкил қилинди. Тут майдонлари 40 минг гектардан 55 минг гектарга кенгайди. Буларнинг натижасида пилла этиштириш ҳажми 2,5 баробар ошиб, 26 минг тоннага етди, ипак маҳсулоти экспорти 3 баробар кўпайди.

Лекин ипак қуртини парваришлар, касалликдан сақлаш агротехникаси етарлича ривожланмаган. Оқибатда пилла олишда йўқотиш нисбатан кўп. Асосий экспорт ҳалигача хом ашё бўлиб қоляпти. Шу боис йиғилишда пиллани чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ҳажмини, мато ва уй текстили қувватларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу орқали дунёда ипак маҳсулотлари импортининг 45 фоизи тўғри келаётган Европа бозоридан ўрин олиш керак.

Пиллачиликда энг долзарб масала – озуқа. Бунинг учун янги навли ҳосилдор тут экишни кенгайтириш зарур. Шунингдек, пахта майдонлари четига бир-икки қатордан тут экилса, қўшимча озуқа манбаи яратилади.

Пиллакорлар даромад ва ижтимоий солиқлардан озод қилинди

Ҳокимларга янги тўздорлар ташкил қилиш учун 105 минг гектар ер ажратиш топширилди. Бу ерлар лотларга бўлиниб, аукцион орқали аҳолига берилди, аукционда ернинг бошланғич нархи 10 фоиз этиб белгиланади. Банд бўлмаган аҳоли, жумладан, аёллар мономарказлар ва пиллачилик кластерларида қисқа курсларда ўқитилади. Шу пайтгача пилланинг харид нархи пастлиги учун одамларда манфаатдорлик паст эди.

Президентнинг тегишли Фармонида кўра, пилланинг харид нархи 25 фоизга оширилди. Пиллакорлар даромад ва ижтимоий солиқлардан озод қилинди. Шу пайтгача пилланинг харид нархи пастлиги учун одамларда манфаатдорлик паст эди.

Усимликлар карантини ва химояси агентлигига қанақунжт ўсимлиги ҳамда ипак қурти уруғларини олиб келиб, Ипакчилик институтида синовдан ўтказиш топширилди. Ипак қурти этиштиришнинг бу усули Хитойда кенг қўлланилади.

Гилам ишлаб чиқариш учун полипропиленни марказлашган ҳолда харид қилиш давом эттирилади ва молиялаштириш икки баробарга — 9 миллион доллардан 18 миллион долларгача оширилади. Хорижий валюта тушумигача бўлган вақт инobatга олиниб, тадбиркорларга полипропилен 1 йилгача (ҳозир 3 ойдан 6 ойгача) муддатга берилди.

Тадбиркорлар томонидан кўтарилган муаммо ва таклифларни эшитган Президент уларга Европа бозорларига чиқиш учун сертификат олишда қўмаклашиш, хорижий мутахассисларни жалб қилиш, чет эллардаги савдо уйларида миллий чарм, гилам ва ипак маҳсулотларини ҳам жойлаштириш, малакали ўрта бўғин ходимларини тайёрлаш ва бошқа масалалар бўйича кўрсатмалар берди.

Ипакчилик саноати асрлар давомида цивилизациялар ва савдо йўллари шакллантиришда муҳим тармоқлардан бири саналган. Ҳеч эътибор берганмисиз, қадим анъаналаримиз, иқтисодиётимиз бевосита ипакчилик билан уйғун ва муштаракликда ривожланган. Қишлоқ жойларда касаначилик асосида ипак қуртини парваришлар орқали даромад оладиган оилалар оз эмас. Умуман, саноатнинг бу тармоғи ҳам бизга жуда яқин. Йиғилишда ипакчилик тармоғи ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Сайхунобод тажрибасининг жойлардаги ижроси яхши(ми)?

Бугун Сайхунобод тажрибаси ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Бу тажрибани бутун республикада омалаштириш зарурати яқинда, яъни шу йилнинг 14 март куни Сирдарёда ўтган йиғилишда давлат раҳбари томонидан айтилган эди. Унга кўра, Сайхунободда 19 та маҳалланинг ҳар бирига 1 тадан мини трактор, 4 тадан мото-култиватор олиб берилган. Эндиликда ҳар бир маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси "Бир сотих томорқадан камидан 1-2 миллион сўм даромад" деган мезон асосида аҳоли учун бизнес режа ишлаб чиқади. Маҳалладаги агрономлар билан бирга олиб берилган техникалар ҳисобидан томорқа ерларини ҳайдаш ва экин экиш хизматларини кўрсатади. Таҳлилчиларнинг эътирофи этишича, халқимиз тетиклиги, рўзғори учун бу амалиёт жуда муҳим.

Маълум бўлишича, бу борадаги ишлар натижасида апрель ойининг ўзидан 365 минг аҳоли бандлиги таъминланган ва тадбиркорликка жалб қилинган. Банклар ўз мижозларининг муаммоларини ҳал қилиб, 115 минг кишининг ишли бўлишига шароит яратган. Маҳаллаларда 70 мингта микролойиҳа амалга оширилган. 465 минг гектар томорқага экин экилган. Лекин айрим худудларда сусткашликлар ҳам бор. Масалан, ўрганиш ўтказилган 7 та туманда ўнлаб томорқаларда маҳсулот экилмаган. Сусткашликка йўл қўйгани учун туман даражасидаги 382 нафар масъул ишдан олингани маълум қилинди. Президент бандлик ва аҳоли даромади масаласи бирламчи аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлаб, барча даражадаги раҳбарларни оғоҳлантирди.

Йиғилишда Сайхунобод тажрибаси бўйича ишларни туман ва маҳалла кесимида сифатли ташкил этиш, аҳолига доимий иш ўрни ҳамда даромад манбаи яратиш бўйича вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилнинг тўрт ойида хорижда ишлаётган 115 минг нафар фуқаро юртимизга қайтиб келган. Йил охиригача яна 250-300 минг нафари меҳнат миграциясидан қайтиши кутилмоқда. Уларни ишга жойлаштириш, ижтимоий масалаларига қўмаклашиш долзарб вазифадир. Йиғилишда мутасаддиларга миграция бўйича ягона ахборот платформасини яратиш, "маҳалла етти-лиги" тизими билан интеграция қилиш бўйича топшириқлар берилди.

JARAYON



Янгиланаётган дунё ва аёллар

Рўйи замин сайқали – Самарқанд шахри навбатдаги яна бир нуфузли анжуманга мезбонлик қилди. Қадимийлик ва замонавийлик уйғун бу муаззам манзилда 13-14 май кунлари дунё тарихида илк бор Осиё хотин-қизлари форуми бўлиб ўтди. Форум ишини жаҳон жамоатчилиги, халқаро эксперт ва таҳлилий доиралар алоҳида қизиқиш билан кузатиб борди. Бу бежиз эмас. “Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув” мавзусида ташкил қилинган мазкур форумда қитъамизнинг 30 дан ортиқ давлатлардан парламентларнинг аёл аъзолари, ҳуқуқатлар вакиллари, қирқдан зиёд чет эл мамлакатлари ва ташкилотларнинг Ўзбекистондаги раҳбарлари, маҳаллий давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ходимлари, тадбиркор, олима, сиёсатшунос ҳамда турли тармоқлардаги фаол хотин-қизлар иштирок этди. Бундан ташқари, форум иш жараёнини ёритиш учун эликдан ошиқ маҳаллий ва Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ОАВ журналистлари таклиф қилинди. Тадбирнинг нуфузли меҳмонлари орасида БМТ бош қотиби ўринбосари, «БМТ аёллар» тузилмаси ижрочи директорлари Сима Сами Бахус, Парламентларо Иттифоқ Бош қотиби Мартин Чунгор, БМТнинг Женевадаги бўлим директорлари Татьяна Валова ҳам бор.

Маълумки, кўхна қитъамизда 4,82 млрд. киши (сайёраимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиги) яшайди. Қитъа умумий аҳолисининг 2,3 миллиарди ёки қарийб 49 фоизи аёллардан иборат. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда Осиёда хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги маъқеини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва гендер тенгликни таъминлаш борасида залворли ютуқларга эришаётган, бой тажрибага эга давлатлар сафи кенгаймоқда. Адолатли ижтимоий сиёсатни юритиш йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон улардан бири.

Форумни Олий Мажлис Сенати Раиси

Самарқанд халқаро форуми туфайли асос солинган дўстона ҳамкорлик ва келгусидаги фаол мулоқотлар, албатта, Осиё қитъасида миллионлаб аёлларнинг ҳаётида яхши ўзгаришларга замин яратлади.

Танзила Нарбаева очиб берди ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбир иштирокчиларига мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Таъкидланганидек, аёлларнинг барча соҳада ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари янги қабул қилинган Конституциямиз, “Тараққиёт стратегияси – 2030” ва Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш Стратегияси каби концептуал ҳужжатларда ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Ушбу жаҳада олиб борилаётган қўламли ислохотлар самарасида сўнгги етти йилда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улushi 27 фоиздан 35 фоизга кўтарилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизини, Сенат аъзоларининг 25 фоизини опа-сингилларимиз ташкил этади. Худди шундай, ўз бизнесини йўлга қўйиб, ишбилармонлик салоҳияти билан давлат ва жамият равнақига ҳисса қўшаётган хотин-қизлар сони 205 минг нафардан ошди. Юз минглаб аёллар касб-ху-

нар ва тадбиркорликка ўқитилди. Қолаверса, қизларнинг узлуқсиз таълим олишини рағбатлантириш мақсадида олий ўқув юртларида улар учун махсус квоталар ажратилиб, керак бўлса, шартнома тўловлари давлат бюджетидан қопланаётгани ўз натижасини бермоқда. Бугунги кунда республикамиздаги ОТМда тахсил олаётган 1 млн. 300 нафарга яқин талабанин ярмидан кўпи қизлар экани ва уларда замонавий касбларга, аниқ фанларга қизиқиш ортиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Агар олий таълимга қўрсатилган 2017 йилдаги 9 фоизни ҳозирги 43 фоизлик қўрсаткич билан солиштирсак, соҳада чиндан ҳам катта қадам ташланганини кўриш мумкин.

“Бу борада олиб бораётган тизимли чора-тадбирларимиз халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки индексиде Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторида қайд этилгани, очик гендер маълумотлар индексиде энг яхши 20 та давлат қаторидан жой олгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди”, дейилади мурожаатда.

Жамиятда ижтимоий адолат ва тенглик устуворлигини қарор топтириш жараёнида давлат томонидан эҳтиёманд қатлам вакиллари бўлган, ноиронлиги бор ва зўравонликка учраган аёллар билан ишлашга ҳам жиддий ёндашилишти. Юртимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарида ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий ёрдамларни кўрсатувчи “Инсон” марказлари ўз фаолиятини йўлга қўйгани бунинг далилидир. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар манфаатларига хизмат қилувчи аниқ манзилли ишлар амалиётга йўналтирилмоқда. Аёлларга тиббий, психологик, ҳуқуқий, касбий, ижтимоий ёрдамлардан иборат комплекс чора-тадбирларга давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилиши белгилаб қўйилган.

Албатта, хотин-қизларнинг давлат бошқа-

Дилбар МАМАДЖАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Жаҳон миқёсида сиёсий-иқтисодий бекарорлик ҳолати давом этаётган бир пайтда Самарқандда мазкур нуфузли халқаро форумнинг ташкил этилгани хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи давлатимизда устувор вазифа эканидан далолат беради.

Албатта, хотин-қизларнинг давлат бошқа-

баён этилди. Ҳар бир маърузачи ўз давлати мисолида аёлларни қўллаб-қувватлаш ишларининг натижадорлиги ва қарови ҳақида қизиқарли маълумотлар берди. Чиндан ҳам ушбу форум хотин-қизлар манфаатлари устуворлигини таъминлашга тўққинлик қилаётган глобал миқёсдаги муаммоларни ўрганиш, тажриба алмашиш учун Осиё минтақасида ўзига хос мулоқот майдони бўлди.

Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг бой салоҳиятидан фойдаланиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида уларнинг имкониятларини рўёбга чиқаришда тажриба алмашиш бўйича Осиё хотин-қизлари форумини ўтказиш таклифини илгари сурган эди. Ушбу таклиф нақадар ҳаётини зарурат эканини Самарқандда ўтган форум яна бир қарра тасдиқлади.

Форум доирасидаги сессияларда Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришишда хотин-қизларнинг иштироки, бизнес ва жамиятда фаоллигини ошириш, уларни илмий, инновацион ва ижодий муҳитга кенг жалб қилиш, аёллар стартапларини, сунъий интеллектни ривожлантириш, кишлоқ ҳудудларини рақамлаштириш, гендер тафовутларини бартараф этиш, хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларига барҳам бериш масалалари ҳам диққат-этибор марказида бўлди. Яшил иқтисодиётни тарғиб қилиш, иқлим ўзгаришларининг минтақадаги гендер муаммоларига таъсири, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг илғор тажрибалари, инновацион ёндашувлари кўриб чиқилди. Нуфузли делегатлар ва экспертлар билан фикр алмашилди. Ўз навбатида Ўзбекистонда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлардан дунё жамоатчилиги яқиндан ва кенгроқ хабардор бўлди.

Жумладан, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётида, муҳим қарорлар қабул қилинишида хотин-қизларнинг иштироки сезиларли равишда кенгайиб бормоқда. Қисқа давр ичида соҳага доир халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси шакллантирилди, сўнгги 5 йилда 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бунга ёрқин мисолдир. “Хотин-қизлар ва эркекларга тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ҳамда “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги муҳим қонунлар қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди.

Жамиятимизда хотин-қизлар шу пайтгача аёнанавий бўлган таълим, тиббиёт, тикувчилик йўналишларидан ташқари рақамли иқтисодиёт, инновацион технологиялар каби илғор соҳаларга фаол кириб келаётгани эса яна бир қувонарли натижадир. Иштирокчилар Ўзбекистонда аёлларга қўрсатилаётган ғамхўрлик ва юксак эътиборни мамнуният билан эътироф этдилар. Форум хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув мавзусига бағишланганининг ўзи халқаро анжуман қарови кенглиги ва аҳамияти юқорилигини кўрсатди.

Қайд этиб ўтилганидек, Самарқанд халқаро форуми туфайли асос солинган дўстона ҳамкорлик ва келгусидаги фаол мулоқотлар, албатта, Осиё қитъасида миллионлаб аёлларнинг ҳаётида яхши ўзгаришларга замин яратди.

Форум якунида олиб борилган музокара ва муҳокамалар натижаси сифатида Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Унда хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва уларни амалда таъминлаш, гендер тенгликка эришиш, зўравонликка барҳам бериш, гуманитар ҳуқуқни ҳурмат қилишга қаратилган мақсадлар акс этган.

Фарида МАҲКАМОВА.

QARORGA SHARH

Зўравонликдан давлат ҳимоя қилади

Инсон қадрини, унинг шаъни, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини нафақат ҳурмат қилиш, шу билан бирга ҳимоялаш ҳам зарур.

Жорий йилнинг 10 май кунини қабул қилинган “Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги давлатимиз раҳбарининг қарори ҳам айтиш мумкин бу мақсадга йўналтирилган.

Қарорга кўра, тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга “оила – маҳалла – туман ва ҳудуд” тамойили асосида комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилади.

2024 йил 1 июндан:

— тазийқ ва зўравонликдан жабрланган ёки жабрланиш хавфи остида бўлган хотин-қизларга ҳимоя ордери талаб этмаган ҳолда ижтимоий, психологик ва юридик хизматлар кўрсатиш тартиби жорий этилади;

— хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолати ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг “102” телефон рақамларига келиб тушган мурожаатлар асосида рўйхатга олинади.

Шунингдек, 2024 йил 1 июндан тазийқ ва зўравонлик ҳолати ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида кўйилган аналга оширилади:

— хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги профилаттика инспектори иштирокида тазийқ ва зўравонликни содир этган шахс билан суҳбат ўтказилади;

— профилаттика инспектори томонидан ҳимоя ордери расмийлаштирилади;

— тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг вояга этмаган фарзандлари марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилини қабул бўлимларига жойлаштирилади;

— расмийлаштирилган ҳимоя ордерлари ва жабрланган шахсларга доир маълумотлар “Инсон” марказлари “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали юборилади.

Тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахсларнинг ижтимоийлашув даражаси ижтимоий ходим, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилаттика инспектори томонидан олти ой давомида мониторинг қилинади.

Тазийқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар билан ишлаш йўналишида:

— зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик ҳуқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш ишларга мажбурий равишда Миллий гвардиянинг инспектор-психологари ҳам жалб қилинади;

— 1 октябрдан ҳимоя ордери берилган ҳар бир ҳолатда тазийқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик ҳуқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастури «Инсон» марказлари билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

— 2025 йил 1 январдан ички ишлар органлари томонидан тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг реестри юритилади.

2024 йил 1 декабрдан бир календарий йил давомида икки ва ундан ортиқ марта тазийқ ва зўравонлик ҳолати бўйича мурожаат қилинганда ички ишлар органлари томонидан ҳимоя ордери ташаббус тартибиде берилади.

Қарор билан «Инсон» марказларига тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини таъминлашда қатор қўшимча ҳуқуқлар тақдим этилади. Жумладан:

— тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш учун ички ишлар органига мурожаат қилиш;

— тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳудудий марказларда бўлиш вақтида ишлаб чиқилган яқка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастурининг ижросини мониторинг қилиш;

— зарур ҳолларда тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлса, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича туман (шаҳар) камбағалликни қисқартриш ва бандлик бўлимларига талабнома қиритиш каби ваколатлар берилмоқда.

Зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш сўзда эмас, амалда ҳимоя қилишни аниқлади.



FRAKSIYA FAOLIYATI

Жўқорғи Кенгесдаги фракциямиз ҳар доим халқ билан

28 та масала партия гуруҳларида ва доимий комиссия йиғилишларида, 17 таси эса сессияларда муҳокама қилиниб, қарорлар қабул қилинишига эришилган.

НИШОН ТАҚҚАН БИЛАН ДЕПУТАТ БЎЛИБ ҚОЛМАЙДИ

БУ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН САЙЛАНГАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 4 ОЙИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАРДАН. ЎРГАНИЛГАН МАСАЛАЛАРНИНГ КАТТА ҚИСМИ СЕССИЯЛАРГА ОЛИБ ЧИҚИЛИШИ ЕЧИМ КАФОЛАТЛАНИШИДАН, ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ КЎРСАТАЁТГАНДАН ДАЛОЛАТ БERAДИ. ЭЛЕКТОРАТ ВА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЛАНГАН, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪМИНЛАНИБ, ХУДУДДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИГА ҲИССА КЎШИЛГАН. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ПАРТИЯМИЗ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ РЕАЛ ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ? ДЕПУТАТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН НИМА КЕРАК? СУСТКАШЛИККА ЙЎҚ КЎЯЁТГАН ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ, ДЕПУТАТЛАР ҲАМ БОРМИ?.. БУГУН ДЕПУТАТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЎЗЛАРИНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИ БИЛАН ТАҲЛИЛ ҚИЛАМИЗ.



— **Аввало, айтишни истардимки, кўксига нишон тақиб, кўлига “попка” кўтариб юрган билан одам депутат бўлиб қолмайди, — дейди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесдаги партия фракцияси раҳбари Халилла ЕШИМБЕТОВ.**

— Депутатлик кишининг қониди бўлиши керак, руҳида яшаши керак. Чунки депутат ўз манфаати эмас, халқ дарди билан яшайди, шунга кўра иш тутайди. Айниқса, “мен тажрибалиман, ёшим катта, ҳамма нарсани биламан”, деган қараш билан юрган одам ҳеч қачон ривожланмайди. Бундай таназзул эса унинг фаолиятида ҳам яққол

акс этади. Айни пайтда ёшим 60 дан ошган бўлса-да, кўп нарса ўрганишдан, ўрганишда давом этапман. Қандай дейсизми? Халқ ўргатапти, керак бўлса, улардан ўрнак оляпман, уларнинг замонавий билимларига ҳавасим баланд.

Тўғри, қонунларимизга кўра, 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудига муқим яшаётган фуқаролар депутатликка номзодини қўйиши мумкин. Бироқ ушбу мақомга ҳамма ҳам муносиб бўлавермаслигини тажриба, ҳаёт кўрсатмоқда.

Чунки қонунчилик, давлат бошқарувининг муҳим масалаларини кўриб чиқишда ва ҳал этишда иштирок этадиган, давлат бюджетини тасдиқлайдиган, парламент назоратини амалга оширадиган ҳамда қатор давлат органларини шакллантиришда қатнашадиган кишилар ҳам мана шу депутатлар ҳисобланади.

Ҳоҳ маҳаллий Кенгаш бўлсин, ҳоҳ парламент — ўз ишининг усталари, ҳақиқатга бир ёқлама қарамайдиган, ҳар бир масала ортида халқнинг ҳам, давлатнинг ҳам манфаати борлигини ҳис қила оладиган одам депутат бўлиши тарафдориман. Бу кўп йиллик тажрибаларим, кузатувларим асосида шаклланган фикр. Айнан бу депутат яхши ёки ёмон, дея олмайман. Халқ ўзи сайлаган одамга баҳони ҳам ўзи бера олади.

Энди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига келсак, анча жонланиш, ўсиш бор. Ваколатлар кенгайгани сари депутатларга жасорат ҳам кўшиляпти. Масалан, Жўқорғи Кенгесда 15 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 90 нафар Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар ўз ваколатлари доирасида фаолиятини олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари сессияларда ўз таклиф ва мулоҳазалари билан фаол қатнашиб келмоқда.

Аввал ҳам ишлаганимиз, масалаларни ўрганишимиз. Аммо бу ишга бош қўшиш-

га лаёқати, хоҳиши ва албатта жасорати бор одамлар кўп эмасди. Бугунги умумий картина шунга кўрсатадики, Кенгашлар секин-аста қобилидан чиқяпти. Унга берилган мақом фақат дахлсизлик ҳуқуқи билангина якунига етмаслигини англаб етаётганлар, қонуний ваколатларидан фойдаланиш бурч эканини ҳис қилаётганлар кўпайган. Ўйламанки, бу ўзгаришлар баъзи “тепса, тебранмас”ларнинг ҳам уйғонишига сабаб бўлади.

Партиямиздан сайланган депутатлар билан одамлар орасида юришга кўпроқ ҳаракат қиламиз. Асл масала, реал вазият ўша ерда ойдинлашади. Бу эса белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга замин яратлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида амалий Ҳаракат дастуридаги йўналишлар бўйича партия гуруҳлари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари, Президент фармон ва қарорларининг ижроси жамоатчилик ҳамда депутатлик назорати тартибда ўрганилди. Қўрилган 28 та масаланинг 17 таси сессия кун тартибига киритилди. Шунингдек, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган 160 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 153 таси бўйича ижобий натижа қайд этилди.

Бугунги кунда партия кенгашларимиз қошида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва электоратни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш мақсадида “Жамоатчилик қабулхоналари” фаолият юритмоқда. Ўтган йили 255 та мурожаат келиб тушган ва уларнинг 96,7 фоизи депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ижобий ечилишига эришилган.

Қилинган ишлар, йўлланган сўровлар ёки сессияга киритилган масалалар ишимизга тўғри баҳо бериш учун етарли, демокчи эмасман. Аммо одамларнинг ишончини оқлаш йўлидаги ҳаракатларнинг самараси йўлланаётган мурожаатлар, учрашуларда кўтарилаётган саволлар, билдирилаётган фикрларда акс этиши ҳам бор гап.

ДЕПУТАТЛАР ИШЛЯПТИ, ЛЕКИН...



— **Халқ депутатлари Тахтакўпир туман Кенгашидаги 20 нафар депутатнинг 6 нафари (33,3%) Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоларидир, — дейди Ўзбекистон ХДП Тахтакўпир туман Кенгаши раиси, туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Кабилбек ЖАЛИЕВ.**

— 3 нафари аёллар. Улар билан биргаликда партиянинг сайловолди дастурида белгиланган вазифалар, Давлат дастури ижроси, туманда камбағалликни қисқарттириш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш, ноғиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида қабул қилинган қарор ва фармонларнинг бажарилиш ҳолати бўйича назорат олиб борилмоқда.

Жумладан, бу йил туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”, шунингдек, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича тасдиқланган режаларнинг бажарилиш ҳолати ўрганилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар олиб бориляпти. Айрим масалалар жойида ҳал қилинса, баъзиларининг ечими учун вақт талаб этилади. Баъзида маблағ билан боғлиқ масалалар бизга боғлиқ бўлмагани учун сайловчиларнинг ёнида бироз бошимиз эгилди. Шунга қарамай, уларга ҳуқуқий масалаҳат, қонун доирасида кўрилади-

ган чораларни тушунтирамиз.

Биласиз, аҳолининг мурожаатларига ечим топиш кўпинча соҳа раҳбарларига депутатлик сўровлар билан мурожаат қилиш орқали амалга оширилади. Сир эмаски, ҳудудларда кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг асосий муаммолари коммунал хизмат кўрсатиш тизими ва кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишдаги масалалар ҳисобланади.

Жорий йил 15 март кунини аҳолининг мурожаатлари асосида Бошқарув сервис компаниясининг 2023 йилда амалга оширган ишлари, хусусан, “Давр” МФЙ бўйича ахбороти тингланди. Тўғриси, эшитганларимиз депутатларни қаноатлантирмади. Биз буни очиқ айтиб, таклифларимизни бердик.

Депутатлик гуруҳимиз тумандаги кўп қаватли уйларда қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни ташлаш жойларини тартибга келтириш бўйича “Тоза ҳудуд” корхонаси, электр токи тизимини ўрнатиш жараёнида келиб чиққан муаммоларни бартараф этиш юзасидан “Б.Жанабаев” МЧЖ фаолияти бўйича депутатлик назорат олиб борилмоқда.

Тўғри, депутат сўровига ёзма турда жавоб берилди, аммо ишлар тўлиғи билан бажарилмади. Лекин биз ушбу соҳа раҳбарлари билан зиддиятга бормасдан, уларнинг муаммоларни ҳал этиш имкониятларини ўрганган ҳолатда иш олиб бораяпмиз. Аҳолига ҳам бу борада тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз. Мажар билан муаммо ечим топмайди. Келишган ҳолда, ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларнинг умри узок бўлади.

Одамлар депутатга масаласини айтар экан, яхши мақсадни кўзлайди. Фақат айрим ҳолларда андишанинг отини кўрқоқ қўядиган раҳбарлар ҳам учрайди. Биз бундай кишиларга нисбатан ҳаммаша муросасизмиз ва халқнинг талабини қатъий равишда билдирамиз.

Фаолиятимизда камчиликлар бор эканини тан олишимиз керак. Яъни, барча депутатлар ҳам доимо фаоллик кўрсатади, деб ҳисоблаш ҳақиқатга тўғри келмайди. Қонунлар ижросини ўрганиш билан бирга, таклифлар киритиш масаласида тажриба етишмайди. Функционал вазифаларидан ортиб, қонунларни ўрганиш, одамларнинг фикрлари асосида таклифлар беришга имкони ёки вақти ҳам йўқдир. Аммо бу етарли баҳона бўлолмайди.

Яна бир ҳолат. Партия гуруҳимизда, умуман, туманда депутатлар орасида 30 ёшга тўлмаган бирор бир ёш депутат йўқ. Ҳудудда ёш депутатнинг йўқлиги эса ёшлар билан ишлашда кўзга кўринмас тўсиқ ҳосил қилади.

Бугунги кунда қайси бир соҳани олиб қарасанг ҳам ёшлар ишляпти, ёшлар ташаббус кўрсатапти, ёшлар таклиф киритаяпти, ёшлар натижа кўрсатапти. Уларни Президентимиз, давлатимиз қўллаб-қувватламоқда. Биз ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали келаси сайловда маҳаллий Кенгашларда ёшлар улуши кўпайишига умид қиламиз.

» **ПАРТИЯ ГУРУҲИМИЗДА, УМУМАН, ТУМАНДА ДЕПУТАТЛАР ОРАСИДА 30 ЁШГА ТЎЛМАГАН БИРОР БИР ЁШ ДЕПУТАТ ЙЎҚ. ХУДУДДА ЁШ ДЕПУТАТНИНГ ЙЎҚЛИГИ ЭСА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА КЎЗГА КЎРИНМАС ТЎСИҚ ҲОСИЛ ҚИЛАДИ.**

ҒОЯЛАРДА ҲАЁТИЙЛИК ЗАРУР



— **Партиямиз кейинги йилларда ўзининг асосий дастурий мақсад ва вазифалари, иш услуби ва фаолият самарадорлигини ошириш борасидаги муҳим қарорларни қабул қилди, — дейди Ўзбекистон ХДП Амударё туман Кенгаши раиси, туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Махсуд САЪДУЛЛАЕВ.**

— Хусусан, аҳоли, сайловчиларнинг партияга нисбатан хайрихоҳлиги ва ишончини оширишга қаратилган амалий ишлар натижасида жорий йил-

нинг ўзида партия сафига қўшилиши, у билан бирга бўлишни истаган 360 нафар тумандошимиз аъзоликка қабул қилинди. Ҳозирга келиб, партия аъзоларининг умумий сони 3 582 нафарга етди. Очиғи, бу биз кўтган натижа эмас.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, қийин ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқаролар, ноғиронлиги бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, ҳолидан хабар олиш мақсадида “Уйма-уй” лойиҳаси йўлга қўйилди. Лойиҳа давомида 84 нафар хотин-қизнинг ҳолидан хабар олинди, 24 та масала аниқланди. Партия гуруҳи томонидан оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш масаласи ўрганилиб, муҳокама қилинди.

Депутатлар сайёр қабуллар ўтказяпти, мурожаатлар тингланиб, уларга ечим топиш чоралари кўриляпти. Аммо бу етарли эмас. Чунки ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Одамларнинг мурожаатини кутиб ўтирмасдан, ўз ташаббусимиз билан уларни ўрганишимиз лозим. Аммо, афсуски, баъзи ҳолларда бюрократик тўсиқлар туфайли ишимизда барак бўлмайди.

Депутатни яна бир ном, яъни халқ вакили, деб ҳам аташади. Аслида ҳам у халқ орасидан сайланган вакил ҳисобланади. Лекин бу номга муносиб бўлиш учун қонунлар ёки ваколатларнинг кенгайишигина етарли эмас. Аввало сайловда кўрсатилган номзод депутатликка муносиб бўлиши зарур. Айни шу нуқтада партия зиммасига катта масъулият юкланади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



ТЕБРАНИШ



Яшириб нима қилдик, бозорларимиздаги, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари бозоридagi нарх-наво одамларимиз энг кўп муҳокама қиладиган мавзуга айланган. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр, деганларидек, бугунги мураккаб замонда ҳатто ривожланган давлатларда ҳам озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги стратегик аҳамият касб этаётган бир шароитда оддий одамларни гўшт, нон, картошка-пиёз нархию сархил мева-сабзавотларнинг ҳамон арзонлашмагани сабаблари ташвишлантириши табиий, албатта.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда деҳқон бозорларида нархлар барқарорлигини назорат қилиш борасида қандай чора-тадбирлар амалга ошириладигани ҳақида **Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, иқтисодийёт фанлари доктори Нодирбек РАСУЛОВ** билан суҳбатлашдик.

– Сўнги йилларда юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги, нарх-наво асосси кўтарилиб кетишининг олдини олиш бўйича ёндашув мутлақо ўзгариб, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланмоқда, – дейди Н.Расулов. – Бозорларда талаб ва таклиф мувозанатини ушлаб туриш, миллий валютани мустаҳкамлаш, аҳолининг харид қобилиятини, ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, миллий бозорнинг импортга қарамлилик даражасини камайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агросаноат мажмуасини ривожлантириш борасида ўрта ва узок муддатга мўлжалланган давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 16 февралда давлатимиз раҳбарининг “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унда озиқ-овқат йўналишида маҳсулот етиштиришдан тортиб уни истеъмолчига етказиб беришга бўлган қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 10 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр

билан турли даражада молиявий ресурслар ажратиш кўзда тутилган. Шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари ва экспорт қилувчилар томонидан хорижий давлатларда савдо ўйи ва дўконларини ташкил этиш учун алоҳида қарорларсиз йилига 50 минг АҚШ доллари-гача маблағни хорижий ҳисоб рақамларга ўтказишга рухсат берилдиган бўлди.

Мазкур ҳужжатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтига озиқ-овқат маҳсулотларини асосий импорт қилувчи мамлакатларнинг ички бозорларидаги нархлар динамикасини доимий ўрганиб бориш, маҳсулот етиштириш прогнозларини ишлаб чиқиш, уларнинг ўзгаришлари бўйича таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш юзасидан қатор вазифалар юклатилди. Бунинг ижроси доирасида институтимиз ходимлари томонидан 2024 йил апрель ойида Тошкент шаҳридаги йирик супермаркетларда 21 номдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўрганилди. Таҳлилларга кўра, Тошкент шаҳрида 6 хил маҳсулот бўйича минимал нархлар март ойига нисбатан пасайган. Лимон 18,8, бодринг 17,6, тухум 17,3, банан 13,5, товۇқ гўшти (филе) 6,8, сариқ пиёз нархи 5,4 фоизга тушган. 8 номдаги маҳсулотларнинг энг паст нархи ўзгаришсиз қолган. Уларга бугдой уни, гуруч, гречка ёрмаси, макарон, шакар, карам, маргарин ва кунгабоқар ёғини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ўз навбатида 7 номдаги маҳсулот қимматлаган: помидор 34,6, картошка 20,2, олма 14,2, қизил лавлаги 8,9, сут маҳсулоти 6 ҳамда сабзи 3,2

фоизга ошган. Албатта, бу маҳсулотлар нархи мавсумий омилларга қараб тез ўзгарувчан хусусиятга эга. Мисол учун, ҳозир 30-40 минг сўм турган помидор ёз ўрталарига келиб 10 минг сўмдан пастлашиши мумкин.

Мамлакатимиз маҳаллий бозорларидаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўзгаришига экспорт ва импорт омиллари билан бирга айрим ҳолатларда асосланмаган миш-мишлар ҳам таъсир кўрсатиши амалда ўз исботини топмоқда. Яқинда ижтимоий тармоқларда пиёзнинг нархи кескин тушиб кетгани тўғрисида хабарлар тарқалди. Бу маълумот Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги сабзавот, мева, резаворлар ва ёнғоқлар бозоридagi нархларни ўрганадиган “EastFruit” томонидан эълон қилинган. Манбанинг қайд этишича, Ўзбекистонда апрель ойининг сўнги ўн кунлигида пиёзнинг улгуржи нархи 1 минг 500 сўмгача тушган ва бир йил аввал бу турдаги маҳсулот ҳозиргидан 4,4 баробар қимматроқ сотилган.

Айтиш керакки, бундай маълумотларни ахборот манбаларига узатишда эҳтиёткорлик мақсадга мувофиқдир. Чунки айрим ҳолатларда бозордаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг сунъий равишда ошиб кетишига ёки аксинча, тушиб кетишига худди шундай хабарлар ҳам сабаб бўлади.

“EastFruit” томонидан пиёз нархи тушиб кетганлиги тўғрисидаги маълумот Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари томонидан атрофларга ўрганиб чиқилди ҳамда мазкур масалага расмий муносабат билдирилди. Расмий муносабатга кўра, ўрганишлар натижасида бозорларимизда анчадан буён 1 кг пиёз (худудлардан келиб чиққан ҳолда) 3000 сўмдан 3500 сўмгача бўлган турфун нархларда сотилаётгани, деҳқон ва фермерлар томонидан сотувчиларга (улгуржи савдо) етказиб берилётган пиёзнинг ўртача нархи 2000-2500 сўмни ташкил этиши маълум бўлди.

Айни пайтда бозорларимиздаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари жуда ўз-

гарувчан ҳолатда эканини кўришимиз мумкин. Бу турдаги маҳсулотлар нарх-навоси барқарор бўлишида томорқа хўжалиқларининг ўрни муҳим ҳисобланади. Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ходимлари томонидан 2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда шахсий томорқа хўжалиқларининг роли таҳлил этилди.

Бугунги кунда республикаимизда 5,5 миллиондан ортиқ оила ўз томорқа хўжалигига эга ва улар ихтиёридаги ер 505 минг гектардан ортиқни ташкил этади. Статистика агентлиги маълумотлари бўйича эса 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда деҳқон ва шахсий томорқа хўжалиқларида 12,8 миллион бошдан ортиқ йирик шохли қорамол (жами сонига нисбатан 90,8 фоиз), 18,7 миллион бош қўй ва эчкилар (77,5 фоиз) мавжуд. Демак, деҳқон ва шахсий томорқа хўжалиқлари маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида асосий нархларга таъсир этувчи иштирокчилардан десак, янгилашмаймиз.

Мамлакатимизда томорқа хўжалиқлари МДХ давлатлари, хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари билан солиштирганда муҳим афзалликларга эга. Иқлим шароитининг ўхшашлигига қарамадан, томорқа хўжалиқларининг ривожланиш даражасида айрим тафовутларни кўришимиз мумкин. Масалан, МДХ давлатлараро статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда мустақил равишда банд бўлиш (шу жумладан, томорқа хўжалиқлари) туфайли олинадиган даромад улуши 2022 йилда Қозғистондагидан 4,2 баробар, Қирғизистондан 2,4 баробар ва Тожикистондан 1,7 баробар кўп бўлган. Республикаимизда ўтган йили етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 63,1 фоизи деҳқон ва томорқа хўжалиқларининг ҳиссасига тўғри келган. Деҳқончилик маҳсулотлари таҳлилий сабзавотларнинг 59,9 фоизи, картошканинг 69,9, поллиз экинларининг 39,8, мева ва резаворларнинг 51,4, узумнинг 52,4 фоизи ушбу хўжалиқларда етиштирилганини кўрсатди. Чорвачилик маҳсулотлари бўйича эса гўштининг 84,9 фоизини, сутнинг 92,8, тухумнинг 57,9 ва жуннинг 82,1 фоизини деҳқон ҳамда томорқа хўжалиқлари бозорга етказиб берган.

Шундай қилиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллий бозорлардаги нарх-наво барқарор бўлишида деҳқон ва томорқа хўжалиқларининг ўрни катта эканини инобатга олган ҳолда бу йўналишда давлатнинг қўллаб-қувватлашини янада кучайтириш лозим. Бинобарин, “Ўзбекистон-2030” стратегиясида ҳам мамлакатимизда деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш алоҳида белгиланган бўлиб, деҳқонларга суғурта муқофотининг 50 фоизини субсидиялаш тизимини жорий этиш, шунингдек, барча субсидияларни “Агросубсидия” ягона платформаси орқали «Бир қадам» тамойили асосида бериш режалаштирилган. Бунда аҳоли даромадлари ва бандлигини таъминлаш деҳқон ва шахсий томорқа хўжалиқларини қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим мезони саналади.

Хулоса ўрнида яна шуну айтиш мумкинки, маҳаллий бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ўсиб кетмаслигини кафолатлаш, мамлакат ҳудудлари ўртасида уларнинг табиий, демографик, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ихтисослашув ҳамда ўзаро интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш ҳаётий заруратдир. Шу билан бирга юртимизда озиқ-овқат хавфсизлиги тизимида ишлаб чиқариш тармоқларини янада ривожлантириш ва шу орқали маҳсулотлар таннархини изчил пасайтириш орқали импорт товарларга нисбатан ҳам нарх, ҳам сифат устунликларини сақлаб қолти керак. Умуман олганда, аҳоли истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг оптимал улушини таъминлаш, бу борада нархларнинг турли омиллар таъсирида кескин тебранишига йўл қўймаслик соҳадаги стратегиянинг асосий мақсади бўлиб қолмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА

Танловнинг биринчи шартда иштирокчилар миллий кадриятларимизнинг ўз оилавий ҳаётида қанчалик акс этганини кўрсатиб беришган бўлса, иккинчи шартда “Менинг оилам” номли видеороликлар намойиш этилди. Ниҳоят, ҳал қилувчи учинчи шартда иштирокчилар ўзларининг қай даражада китобхон эканлигини кўрсатишди. Тадбирни кузатганлар иштирокчилар ҳақиқатан ҳам китоблар мутлақо қилишни оилавий аънамага айлантириб улгурганига ишонч хосил қилишди.

Танлов натижаларга кўра, Самарқанд вилоятидан Исмоиловлар оиласи 3-ўринга, Тошкент шаҳаридан Маматовлар оиласи 2-ўринга муносиб қўрилган бўлса, фахрли 1-ўринни эса Ички ишлар вазирлиги Ахборот

хизматидан Усмоновлар оиласи қўлга киритди. Ғолибларга вазирликнинг диплом ва эсдалик совғалари ҳамда пул мукофотлари топширилди. Бундан ташқари, барча иштирокчилар турли номинациялар бўйича ҳам рағбатлантирилди.

– Танлов жуда юқори савияда ташкил этилди, – дейди танлов ғолиби капитан Ўктам Усмонов. – Барча иштирокчи оилалар пухта тайёргарлик кўришгани биринчи-иккинчи шартларда айниқса, жуда сезилди. Аҳамиятли жиҳати, бугун ички ишлар органларида хизмат олиб бораётган ходимлар орасида ўзининг яширин истеъдоди билан ҳатто санъат қолдиларини ҳам ҳайратда қолдирадиган ходимлар борлигини кўрдик. Мазкур танловга тайёрланиш жараёнида

оиламиз билан кўплаб бадий адабиётларни ўқишга, уларни таҳлил қилишга тўғри келди. Бу жараёнлар оиламиз учун жуда фойдали бўлди. Сабаби, китоб мутлола қилиш оиламизнинг кундалик эҳтиёжига айланиб улгурди. Ички ишлар вазирлиги томонидан бу каби танловларнинг ўтказилиши оилаларимизни янада ҳамжиҳат бўлишига, жиҳтсизлигига қўмак беради, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, бу каби ўтказилаётган манавий-маърифий тадбирлар ички ишлар тизими ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ўз истеъдод ва қобилиятларини намойиш этиш билан бирга юртимиздаги бошқа оилаларга ҳам намуна бўлишга хизмат қиладди.

Тоштемир МУРОД.

Ички ишлар органларида «Соғлом оила – соғлом жамият» ғоясини татбиқ этиш, оилавий кадриятларни сақлаш ва намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш мақсадида «Намунали оила» кўрик-танловининг республика финал босқичи бўлиб ўтди. Унда жами 17 та оила 3 та шарт бўйича ўзаро беллашди.



OG'RIQLI NUQTA

ХАЛҚИМИЗНИНГ АСРИЙ АНЪНАЛАРИГА, ЖАМИЯТИМИЗДАГИ УМУМИНСОНИЙ ВА ИСЛОМИЙ МАДАНИЯТГА ОМУХТА БЎЛГАН СТЕРЕОТИПЛАРГА КЎРА, ОИЛА ТУШУНЧАСИ ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ЎЗГАЧА МАЗМУН-АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ, ҚУВОНЧУ ШОДЛИГИМИЗ КЎРҒОНИ САНАЛМИЗ ОИЛАНИ МУҚАДДАС ДЕБ БИЛАМИЗ. БАХТНИ, ЭНГ АВВАЛО, ЎЗАРО ТЕНГ ВА САМИМИЙ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА, ЭРТАМИЗНИ МЕҲР-МУҲАББАТ МЕВАСИ – ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТИМСОЛИДА КЎРАМИЗ.



Бироқ бугунги глобал дунёга жадал интеграциялашув жараёнида жамиятнинг бош бўғини - оила институтини мустаҳкамлаш масаласи мамлакатимизда тобора долзарб тус олаётгани ҳам сир эмас. Ваҳолонки, яқин-яқингача индивидуализмга асосланган Европа ёхуд ёшлари оила қуришдан кўра иш ва карьерани афзал билиб, демографик кўрсаткичлари хавф остида қолаётган давлатлар ўзбек жамиятидаги оила ҳамда у билан боғлиқ ришталарга ҳавас билан қарашидан ғурурланиб келардик.

Расмий статистик маълумотлар оила институтини билан ишлаш ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ҳаётий заруратга айланганини тасдиқламоқда, - дейди Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг Ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Мунира Исомова. - Жумладан, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига юртимизда никоҳлар сони 283,8 мингта бўлгани ҳолда никоҳдан ажралишлар 49,2 мингтага етган. Ажримлар кўрсаткичи 2022 йилда 48 минг 734 тани, 2021 йилда эса 39 минг 227 тани ташкил этган. Таҳлиллар никоҳдан ажралиш ҳолатлари асосан оила қургандан сўнг дастлабки беш йилда рўй бераётганини кўрсатмоқда. Бундан англаймизки, ёшларимизда оила ва оилавий кадрларнинг қўқур ҳис қилмаслиги, оила аслида улкан масъулият эканини тушунмаслиги, ҳаётга юзаки қараш кўникмалари мана шундай салбий оқибатларга олиб келмоқда. Энг афсусланарлиси, турмуш синонвалига дош беролмаган ёшларнинг никоҳдан ажралишгача етиб бориши қанча-қанча болаларнинг нотўлиқ оилада ё отасиз, ё онасиз қолиб, мурғак қалбларида ҳеч ҳам ўрни тўлмайдиган бир кемтикликка сабаб бўлаётгани бор гап. Ота-она меҳри ва ғамхўрлигига ҳақли бўла

Бахт-саодат ва эзгулик қўрғони

туриб, бундан айрилган болаларда туғилган аламлилик ҳисси кун кели уларни турли нотўғри йўللарга бошлаши - бу энди алоҳида мавзу.

Худудлар кесимида ўрганилганида никоҳдан ажралишлар сони бир неча йилдирки, пойтахтдан сўнг энг кўп Фарғона вилоятида кузатишмоқда. Бу эса мазкур худудда оила институтини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини, айни йўналишда тушунтириш-тарғибот, тадқиқот ишларини тизимли жонлантириш, бунинг учун эса давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамкорлигини кучайтириш кераклигига ишора қилади.

Тўғри, сўнгги йилларда Фарғона вилоятида никоҳдан ажралишлар сони ўсиб бораётганидан кўз юмолмаймиз, - дея қайд этади Мунира Исомова. - Никоҳни бекор қилиш учун судда далил сифатида келтирилаётган сабаблар билан қизиқанимизда эр-хотин ўртасидаги доимий жанжал ва келишимчиликлар, характердаги, дунёқарашдаги кескин фарқ ва бир-бирини нотўғри тушуниш, хиёнат, фарзандсизлик ҳамда жуда кўп ҳолларда учинчи шахсларнинг - қайнона, қайнота

ва ҳоқазоларнинг ноўрин аралашуви охири-оқибат оилаларни бузиб юбормоқда. Шунингдек, ажралишларга сўнгги пайтларда меҳнат миграцияси ҳам сезиларли таъсир кўрсатяпти. Яна бир гап. Менинг назаримда, кишиларимизда, айниқса, ёшларда моддиятни ҳамма нарсадан устун қўйиш, хою ҳавасга берилиш, орзу-мақсадларнинг жуда майдалашиб бораётгани, ҳаёт қийинчиликларига сабр қилиш, қаноат ва шукр туйғусининг йўқолиши оилавий ажримларнинг ўзагидир. Оилавий ажримлар - жамият таназзули.

Оилавий ажримларга узил-келтирилган нукта қўйиш имконсиз, албатта, бироқ уларнинг сонини камайтириб, мустаҳкам, бахтиёр оилаларни кўпайтириш мумкин ва бу шарт! Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак? Айни жараёнга параллел равишда никоҳдан ажралишларнинг асосий жабрдидалари бўлиб қолаётган аёллар ва болаларнинг мафлаатларини кафолатлаш борасида қандай ҳаётий ташаббусларга эҳтиёж сезилапти?

Сўхбатдошимизнинг айтишича, биринчи галда ёшлар ўртасида

ахлоқий-тарбиявий ишларни олиб боришда қотиб қолган, самарасиз ёндашувлардан воз кечмоқ зарур. Шу билан бирга хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш давр талабига айланган.

— Аёл оила ва жамият устундир, - дейди М. Исомова. - Халқона айтганда, оилада борни бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам аёл. Оила институтини мустаҳкамлаш масаласида сўз борса, шахсан мен биринчи навбатда хотин-қизларнинг жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш муҳимлигига урғу бераман. Чунки оилада тотувлик, соғлом моддий ва маънавий муҳит бўлиши учун аёл имли, касб-корли, ахлоқий баркамол бўлмоғи лозим. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ҳам жойларда маҳалла кесимида хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш йўлида салмоқли ишларни олиб бораётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мана, яқинда Фарғона туманида депутатлар,

партия фаоллари уйма-уй юриб, опа-сингилларимизни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича қонунчиликда белгиланган тартиб ва меъёрлар, хотин-қизларга берилаётган имтиёзлар тўғрисида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бордилар.

Бу ўринда хотин-қизлар муаммоларини, носоғлом оилаларни ўрганиш мақсадида ЎзХДП Фарғона туман Кенгаши ижтимоий шерикчилик асосида йўлга қўйган "Аёллар билан юзма-юз" лойиҳасини эътироф этган бўлар эдим. Лойиҳа доирасидаги учрашувларда низоли оилаларни яраштириш, қийин вазиятга тушиб қолган оилаларга қўмақлашиш мақсадида кенг қамровли хайрли ишларга қўл уришмоқда. Масалан, қуни кеча "Водил", "Марғилон", "Саноат", "Дилқушо", "Ҳосилот" маҳаллаларида яшовчи "Аёллар дафтра"га киритилган хотин-қизлар билан учрашувлар ташкил этилди. Мулоқотлар давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга ҳуқуқий ҳамда психологик маслаҳатлар берилди, уларнинг муурожаатлари тингланди. Чунки, тажрибали психологлар опа-сингилларимизни турмушда қийнаётган муаммоларни вазиятлардан чиқиш, оилада соғлом муҳитни яратиш мавзусида сўхбатлашдилар. Тадбир якунида худуддаги ишга талабдор аёллар бандлигини таъминлаш чоралари белгиланиб, тегишли ташкилотларга бу масалада депутатлик сўровлари жўнатилди.

Бундан ташқари, ХДП вилоят кенгаши томонидан соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мақсадида "Соғлом она - соғлом оила" лойиҳаси ҳам изчил рўёбга чиқарилимоқда. Чунки мустақил ҳаётга тайёр бўлмаган йигит-қизларнинг оила қуриши ёки яқин қариндошларнинг қандайдир бўлиши оқибатида болаларнинг турли хил аномалиялар, асаб тизими ва генетик нуқсонлар билан туғилиш ҳолатлари оилаларнинг парчаланишига туртки бераётган омиллар қаторида туради.

Оила жамиятнинг кўзгуси ўларок мамлакатнинг ҳам ижтимоий, ҳам имтисодий, ҳам маънавий-маърифий юксалишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мамлакатда ижтимоий барқарорликни кафолатлаш эса айнан оила институтини мустаҳкамлаш ишларини тақомиллаштириб боришни тақозо этади. Халқ демократик партияси бу йўналишда ўзининг барча ташкилотларининг янада фаол иштирокини таъминлашга интилаётгани айни муддаодир.

Фарида МАҲКАМОВА сўхбатлашди.

Ёдлаш эмас, фикрлаш керак



ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPATИК ПАРТИЯСИ ҲАМ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ, УЛАРНИНГ БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ БИР ҚАТОР САМАРАЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА. ЯъНИ, ПАРТИЯ БУ БОРАДА ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВГА, ТАЖРИБАГА ЭГА. БУНДА ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИНИ ТАРҒИБ ҚИЛГАН ҲОЛДА ЁШЛАРНИ СИЕСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА КЎПРОҚ ЖАЛБ ЭТИШ БИЛАН БИРГА, АЪЗОЛАР САФИДА УЛАРНИНГ САЛМОҒИНИ ОШИРИШ ҲАМ МАҚСАД ҚИЛИНГАН.

Иқтидорли ёшларнинг мантиқий фикрлаш даражасини ҳамда интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлардан бири бу сўзсиз "Заковат" интеллектуал ўйинидир. Бу галги ақллар беллашуви партия Марказий Кенгаши Ёшлар сектори ташаббуси билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтди. Унда партияимиз ёшларидан ташкил топган 12 та жамоа иштирок этди. Беллашувдаги ҳар бир савол муҳокама-си учун 1 дақиқа вақт ажратилиб, очколар саволларнинг мураккаблигига қараб белгиланди. Ўйин давомида ёшларда ўзига хос шижоат, топқирлик, ғалабага бўлган интилиш сезилиб турди.

Қизгин курашларга бой кечган ўйин натижаларига биноан 1-ўрин соҳибига Ўзбекистон ХДП МК томонидан саяхат учун

йўланма берилди. Яқунда ғолиб ва совриндорларга бугунги кунда дунё китобхоналари томонидан энг кўп эътироф этилаётган бадиий-сиёсий китоблар, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Мазкур тадбирда иштирок этган ёшларнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган «Заковат» интеллектуал ўйинлари билимли ва зеҳнли ёшларни бир жойга жамлаб, уларни ақл жангида куч сынашишга кенг имкониятлар яратиш бераётганидан йигит-қизлар жуда мамнун, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти Хуршидбек Толибжонов. — Ёшларнинг янада фаоллигини ошириш учун уларга қизиқ ҳамда келажакда истиқболли соҳалар, йўналишлар бўйича кўпроқ ва чуқурроқ билим бериш зарур. Ёшлар жамиятларини ташкил

«Иқтидорли ёшларнинг мантиқий фикрлаш даражасини ҳамда интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлардан бири бу сўзсиз "Заковат" интеллектуал ўйинидир. Бу галги ақллар беллашуви партия Марказий Кенгаши Ёшлар сектори ташаббуси билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтди. Унда партияимиз ёшларидан ташкил топган 12 та жамоа иштирок этди.

этиб, улар орасида ёшликдан networkingнинг қийматини оширишга имконият керак.

Масалан, ёзги оромгоҳларда ўқувчилар ва замонавий соҳа мутахассислари билан учрашувлар ташкил қилиш мумкин. Унда ўтган ўқув йилидаги билимларини замонавий услублар орқали такрорлаш ва келгуси ўқув йилига тайёргарликни шу жойнинг ўзидан бошлаш имкони юзага келади. Ўсмир ёшларни эса аниқ бир касб ёки хунарга ўргатиш

марказларини чекка-чекка худудларда ҳам ташкил этиш ва у худудларда ҳам замонавий шароитларда билим олишга имконият яратиш тарафдориман. Чунки ёшлар фақат шаҳарлар ёки марказларда яшамайди. Олис қишлоқларда ҳам иқтидор эгалари кўп ва уларга имкон бериш орқали жамиятдаги фаоллар қатламини оширишга эришилади.

Ёшлар орасида ҳозирда билимни фақат қайсидир мақсадга эришгунча олиш ёки ундан кейинги даврда юзаки билим олиш муаммоси учрамоқда. Масалан, ўқувчининг энг катта мақсади олий таълимга кириш, талаба бўлганидан кейин, афсуски, кўплаб ёшлар кейинги босқич учун мақсад қўйишга қийналмоқда ва вақтини беҳуда сарфламоқда. Яъни, фақатгина ёдлаш билан яхши билим эгаси бўлиш мумкин эмас. Олган билимининг туб моҳиятини тушунмаслик ёки амалиётда қандай бўлишини билмаслик ҳозирги ёшлар орасидаги муаммолардан. Бунга ечим тариқасида мақсадни ОТМ га кириш эмас, яхши мутахассис бўлишга қаратиш ва ОТМ ларда 1-босқичдан бошлаб уларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, фаоллигини ушлаб қолишга эришиш зарур. Кимдир волонтерлик, кимдир дарс беришга, яна кимдир амалиётга боғланган ҳолда таълим олгуси келади. Шундай қизиқишларни ҳисобга олган ҳолда улар билан кўпроқ ишлаш зарур. Йигит-қизлар аниқ бир мақсадга йўналтирилса, ҳаракатдан тўхтамайди. Ва яна шуни айтиш кераки, таълимда фақат ёдлаш ва хотирага боғлиқ вазифалардан кўра, дунёқарашни кенгайтирадиган ақл-зеҳинни ишлатадиган кўникмалар бериш зарур.

Ўз муҳбиримиз.

TANLOV

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИДА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДАГИ "ОЛТИН ҚАЛАМ" XVIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ТАНТАНАЛИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЮКСАК САВИЯ ВА ЯНГИ ФОРМАТДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИДА ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТЛАР, ФАХРИЙ УСТОЗЛАР, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА МЕДИА СОҲА ХОДИМЛАРИ, ЖУРНАЛИСТИКА ЙЎНАЛИШИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ТАЛАБАЛАР, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ЭЛЧИХОНАЛАР ВАКИЛЛАРИ, ШУНИНГДЕК, БИР ҚАТОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ МЕДИА УОШМАЛАРИНИНГ МУТАСАДДИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



"ОЛТИН ҚАЛАМ" XVIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ



Мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнлари омавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Барча жараёнларни тезкор, холис, танқидий-таҳлилий руҳда ёритишга бўлган интилиш кучайди. Айни пайтда ахборот тарқатиш жараёнида катта масъулият билан журналистик касби этикасани теран англаган ҳолда ёндашиш тобора долзарблик касб этмоқда.

Миллий медиа соҳасида омавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ўртасида ўтказилган турли танловлар кўплигига қарамасдан, ҳар бир ижодкор "Олтин қалам" соҳиби бўлишни орзу қилади. Чунки "Олтин қалам" танловининг нуфузи баланд, бу мукофот ижод майдонида юксак эътироф рамзига айлланиб улгурди.

Тантанали тадбирда "Олтин қалам" Миллий мукофоти Ташкилий кўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифини бажарувчи Холмурод Салимов мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ахборот соҳасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётгани, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига тўхталиб, бу йилги "Олтин қалам" танлови ҳақида маълумот берди.

"Олтин қалам" XVIII Миллий мукофоти учун халқаро танловда 600 га яқин маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари 4 мингдан зиёд ижодий ишлари билан иштирок этди. Бу, ўз навбатида, жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар жараёнида журналистларнинг фаоллигини кўрсатади.

Бош миллий мукофот 2007 йил жорий этилди ва асосий номинациялар қаторига интернет-журналистика йўналиши киритилди. Ҳар бир йўналиш бўйича 1-, 2- ва 3-ўринлар белгиланди. 2021 йилдан бошлаб эса "Чет эллик журналистнинг Ўзбеки-

стон ҳақидаги энг яхши материали учун" номинацияси асосий мукофотлар қаторига кўшилди. Замон талабидан келиб чиққан ҳолда, тақлиф ва тавсиялар асосида "Олтин қалам" танлови низомига ҳам ўзгаришлар киритилди.

Президентимизнинг 2022 йил 27 июндаги "Омавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида 2023 йилдан бошлаб "Олтин қалам" танлови рағбатлантирувчи номинациялари 5 тадан 12 тага кўпайтирилди. Унга кўра, бош миллий мукофот соҳибига энгил автомобиль берилиши белгиланди.

Бу йилги танловга телевидение йўналишида мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат телеканалларида фаолият олиб бораётган 98 нафар журналист ўз материалларини тақдим этган бўлса, радио йўналишида 26 нафар, босма ОАВ йўналишида эса энг кўп – 178 нафар, интернет нашрлари йўналиши бўйича 75 нафар, "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун" номинациясида ҳам ҳар йилгидан кўп – 40 дан ортиқ давлатдан 100 нафарга яқин журналист қатнашган. Бу йилги танловнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, одатда, ҳар йили жамоавий қатнашувчи таҳририятлар сони 5-10 та бўларди.

Жорий йилда олдинги йилларга нисбатан жамоавий иштирок этувчилар сони 3 баробар ошган, яъни 40 тага яқин таҳририят танловга ижодий ишларини тақдим этган.

"Олтин қалам" XVIII Миллий мукофоти учун халқаро танловда "Публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун" йўналиши 12 та номинациядан бири сифатида белги-ланган. Ушбу номинация бўйича 22 нафар журналист 30 га яқин публицистик жанрдаги китоблари билан иштирок этган.

ТАНЛОВНИНГ "ЭНГ ЯХШИ ФОТОРЕПОРТАЖ УЧУН" НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБИ ЭСА 47 НАФАР ФОТОЖУРНАЛИСТНИНГ 1500 ГА ЯҚИН ИЖОДИЙ ИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ ОРҚАЛИ АНИҚЛАНГАН. БУ ЙЎНАЛИШДА ИШТИРОК ЭТГАН ИЖОДКОРЛАР СЕНИ ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН ҚАРИЙБ 3 БАРОБАР ОШГАНИ ФОТОЖУРНАЛИСТНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ФАОЛЛИГИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

Рағбатлантирувчи номинациянинг қолган 10 та йўналиши ғолиблари танловнинг телевидение, радио, босма нашрлар ва интернет нашрлари бўйича 550 нафарга яқин ОАВ вакиллари орасидан мукофотга лойиқ кўрилган.

"Олтин қалам" XVIII танловида халқаро ҳамкорлар томонидан тақлиф этилган рағбатлантирувчи номинациялар эълон қилинган ҳам эътиборга молик. Хусусан, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан жорий қилинган 2 та номинация, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан киритилган 1 та номинация бўйича ижодий ишлар қабул қилинди.

Халқаро ҳамкорларнинг рағбатлантирувчи номинациялари ғолиблари махсус диплом билан тақдирланади ҳамда Хитой Халқ Республикаси ва Туркия Республикасига бепул саёхатга бориш йўланмасига эга бўлади.

Танлов иштирокчилари кўплигини, тақдим этилган ижодий ишларнинг ранг-баранглигини ҳисобга олган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси яна иккита кўшимча рағбатлантирувчи номинация жорий этди ва ғолиблар тақдирланди.

"Олтин қалам" XVIII Миллий мукофоти учун халқаро танловда Бош мукофотга Uzreport TV – Ўзбекистондаги нодавлат информацион телеканали муносиб топилди. Бош миллий мукофотга лойиқ кўрилган жамоага Президент совғаси – "Tracker" автомобили совға қилинди.

Мамлакатимизда кечаётган ислохотлар омавий ахборот воситаларида ҳам ўз аксини топмоқда, – деди "Uzreport TV" телеканали бош муҳаррири Саидолимихон Турдубоев. – Меҳнатимиз катта саҳналарда юксак эътироф этилганидан жуда мамнунмиз. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирамиз. Бу мукофот бутун жамоамизнинг ютуғи саналади.

Тантанали тадбирда ғолибларга "Олтин қалам" Миллий мукофотининг статуткаси, дипломи, пул мукофотлари тантанали топширилди.

Назоқат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

Литваликлар кимни сайлайди?

12 МАЙ КУНИ ЛИТВАДА ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. БУ ЙИЛГИ ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИДА 8 НАФАР НОМЗОД КУРАШ ОЛИБ БОРИШДИ. САЙЛОВДАН ОЛДИН МУТАХАССИСЛАР ФИКРИ ВА СОЦИОЛОГИК СЎРОВЛАРГА КЎРА, ФАВОРИТ СИФАТИДА АМАЛДАГИ ПРЕЗИДЕНТ ГИТАНАС НАУСЕДА, БОШ ВАЗИР ИНГРИДА СИМОНТЕ ВА МУСТАҚИЛ НОМЗОД СИФАТИДА САЙЛОВЛАРДА ҚАТНАШАЁТГАН ХУҚУҚШУНОС ИГНАС ВЕГЕЛЛАР КЎРИЛГАН ЭДИ. САЙЛОВДАН ОЛДИН ЎТКАЗИЛГАН ИЖТИМОЙ СЎРОВНОМАЛАРДА ЮҚОРИДАГИ УЧТА НОМЗОД ЖАМИ ОВОЗЛАРИНИНГ 56%ИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШИ ТАХМИН ҚИЛИНГАН.



Шунингдек, мутахассислар 12 май куни номзодлардан бирортасининг сўзсиз ғалаба қозониш эҳтимоли жуда кичик ва иккинчи тур деярли муқаррарлигини таъкидлашган.

Мамлакат қонунчилиги мувофиқ сайловда ғалаба қозониш учун номзод 50 фойздан кўпроқ овоз олиши керак. Агар иштирокчиларнинг ҳеч бири буни уқдалай олмаса, икки ҳафтадан сўнг биринчи босқичда энг кўп овоз олган икки номзод иштирокида иккинчи босқич ўтказилади.

Мамлакатда 2,385 миллион фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга. Бу 2019 йилдаги сайловларга нисбатан 4 фойзга кам, дегани.

Литва Марказий сайлов комиссияси (МСК) хабар беришича, жорий президентлик сайловида деярли 60 фойз сайловчи иштирок этган. Шулардан 48 фойзга яқини яқшанба куни сайлов участкаларига келган бўлса, қарийб 12 фойзи олдиндан овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланган.

Мамлакат тарихидаги энг кўп сайловчи иштирок этган президентлик сайлови 1993 йилда қайд этилган. Ушунда сайлов ҳуқуқига эга фуқароларнинг 78 фойздан ортиғи овоз бериш жараёнларида қатнашган. Энг паст кўрсаткич эса, 2004 йилда кузатилган бўлиб, унда 48 фойздан ошқоқ сайловчилар овоз берган.

Шу тариқа яқшанба куни бўлиб ўтган Литва Президентлигига сайловларнинг биринчи босқичида амалдаги Президент Гитанас Науседа Россиянинг Украинага қарши уруши чоғида Болтиқбўйи бўйлаб хавфсизлик муаммоларига қаратилган сайловолди кампанияси натижасида иккинчи босқичга ўтди. Сайлов комиссияси маълумотларига кўра, Науседа сайловчиларнинг 44% овозини қўлга киритган. Иккинчи босқичда унинг рақиби бўладиган амалдаги Бош вазир Ингрида Симоните сайлов бюллетенларининг 20 фойзини қўлга киритган.

Ўз мухбиримиз.

31 мингдан кўпроқ...

СТАТИСТИКА АГЕНТЛИГИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, 2024 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-МАРТ ОЙЛАРИДА ЮРТИМИЗГА ЖАМИ 1 519,3 МИНГ НАФАР ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ТУРИСТИК МАҚСАДЛАРДА ТАШРИФ БУЮРГАН.

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда бу 31,7 минг нафар кўпроқ турист юртимизга келганидан далолат беради.

Январь-март ойларида ташриф буюрувчиларнинг сони мамлакатлар кесимида куйидагича:

Энг ташриф буюрувчилар кўшни Тожикистон ҳиссасига тўғри келмоқда — 536,5 минг нафар.

- Қирғиз Республикаси — 442 минг нафар;
- Қозоғистон — 262,6 минг нафар;
- Россия — 134,2 минг нафар;
- Туркменистон — 31 минг нафар;
- Туркия — 21,5 минг нафар;



- Ҳиндистон — 11,6 минг нафар;
- Хитой — 10 минг нафар;
- Жанубий Корея — 7,6 минг нафар;
- Германия — 3,8 минг нафар;
- Бошқа давлатлар — 58,5 минг нафар.

МУАССИС:

O'zbekiston
ХДП
Xalq demokratik partiyasi

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFQYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bezkod ABDUNAZAROV**

Г — 537. 3497 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.